



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 10 - Mart

386к -son

Bog‘ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009 сонли қарори” нинг ижроси ҳақидаги 65қ-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009 сонли, Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 2 мартдаги 65қ-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009 сонли, вилоят ҳокимининг 2021 йил 2 мартдаги 65қ-сонли қарорлари қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров), туман ирригация бўлими (С.Ибрахимов) бир ҳафта муддатда вилоятда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонлари бўйича ҳудудлар ва ташаббускорлар кесимидаги манзилли рўйхатни шакллантирсин ва тасдиқлаш учун туман ҳокимлигига киритсин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари Э.Худайбергенов, туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров), билан биргаликда бир ҳафта муддатда мева-

сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун туманнинг камида битта худудини органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича таклиф киритсин.

1. Туман ҳокимининг ўринбосари Э.Худайберганов, туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров) боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги томонидан 2021 йил 1 апрелдан бошлаб худуд ихтисослигидан келиб чиқиб, туман ҳокими захирасидаги яхлит ҳолда 300 гектаргача ер майдонларида плантация усулида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиши ва аҳолига етти йил муддатда тўлаш шарти билан сотиш тизимини йўлга қўйиши учун захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, яроқсиз ва иқтисодий жихатдан самарасиз деб топилган боғлар жойлашган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

2. Туман ирригация бўлими (С.Ибрахимов) туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров) билан биргаликда мавжуд сув инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи 2021-2023 йилларга мўлжалланган чоратadbирларни белгиласин. Бунда:

24.6 км каналлар, 8 та гидротехника иншоотлари, 50 та мелиоратив кузатув кудуқлари ва бошқа объектларни куриш;

161 км хўжаликлараро канал, 305.1 км мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, 6 та насос агрегатлари ҳамда 10 та электродвигателларни янгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланишни онлайн режимда назорат қилиш учун 3 та қурилмаларни ўрнатиш ҳамда суғоришда сувни тежайдиган технологияларни 3310 гектар шундан 2000 гектар томчилатиб суғоришни жорий қилиш назарда тутилсин.

3. Туман ҳокимлиги, туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров) билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг талаблари асосида вируслардан ҳоли, юқори ҳосилли сертификатланган уруғ ва кўчатларни етиштириш ва етказиб бериш тизимини самарали йўлга қўйсин.

4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров) амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ой якуни билан туман ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Э.Худайберганов зиммасига юклансин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев